УДК: 613.644 (575.1-25)

Ташпулатова Гузаль Алиевна – т.ф.д., кт.и.х.
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази (Тошкент, Ўзбекистон)
Халмуратов Бахрам Зиуатдинович – Ph.D. докторант
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти (Тошкент, Ўзбекистон)
Ли Татьяна Борисовна – экологик ҳаракат фаоли
Ўзбекистон экологик ҳаракати (Тошкент, Ўзбекистон)

ХАЛҚАРО АМАЛИЁТДА ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ШАҲАРЛАРНИНГ ШОВҚИН БИЛАН ИФЛОСЛАНИШИНИ ГИГИЕНИК МЕЪЁРЛАШ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: *Шаҳар турар-жой массивларидаги шовқиннинг аҳоли саломатлигига салбий таъсири, хусусан, уйқу бузилиши, юрак-қон томир ва асаб тизими каби касалликларни юзага келтириши муаммоси долзарб бўлиб қолмоқда. Ушбу тадқиқотда шаҳар шовқинининг гигиеник баҳоланиши, амалдаги стандартларнинг халқаро талаблар билан мувофиқлиги ҳамда хорижий мамлакатлардаги шовқинни тартибга солиш қонунчилиги таҳлил қилинди.*

Калит сўзлар: *Шовқин, шовқинли ифлосланиш, саломатлик, шовқин даражаси, шовқинни гигиеник баҳолаш.*

Ташпулатова Гузаль Алиевна – д.м.н., ст.н.с.
Центр развития профессиональной квалификации медицинских работников при Министерстве здравоохранения Республики Узбекистан (Ташкент, Узбекистан)
Халмуратов Бахрам Зиуатдинович – Ph.D. докторант
Научно-исследовательский институт санитарии, гигиены и профессиональных заболеваний Министерства здравоохранения Республики Узбекистан (Ташкент, Узбекистан)
Ли Татьяна Борисовна – активист экологического движения
Экологическое движение Узбекистана (Ташкент, Узбекистан)

АНАЛИЗ ПОДХОДОВ К ГИГИЕНИЧЕСКОМУ НОРМИРОВАНИЮ И БОРЬБЕ С ШУМОВЫМ ЗАГРЯЗНЕНИЕМ ГОРОДОВ В МЕЖДУНАРОДНОЙ ПРАКТИКЕ И В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Аннотация: *Проблема негативного воздействия шума в городских жилых массивах на здоровье населения, в частности, вызывающего такие нарушения, как расстройства сна, заболевания сердечно-сосудистой и нервной системы, остается актуальной. В данном исследовании проанализировано гигиеническая оценка городского шума, соответствие действующих стандартов международным требованиям, а также законодательство по регулированию шума в зарубежных странах.*

Ключевые слова: *Шум, шумовое загрязнение, здоровье, уровень шума, гигиеническая оценка шума.*

Tashpulatova Guzal Alievna – D.M.Sc., senior researcher
Center for the Development of Professional Qualifications of Medical Workers under the Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan (Tashkent, Uzbekistan)
Khalmuratov Bakhram Ziuatdinovich – Ph.D. student
Research Institute of Sanitation, Hygiene and Occupational Diseases of the Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan (Tashkent, Uzbekistan)
Li Tatyana Borisovna – ecological movement activist
Ecological Movement of Uzbekistan (Tashkent, Uzbekistan)

ISSUES OF HYGIENIC REGULATION AND COMBATING NOISE POLLUTION OF CITIES IN INTERNATIONAL PRACTICE AND IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Abstract: *The issue of noise pollution in urban residential areas and its negative impact on public health remains a pressing concern, particularly in relation to sleep disorders and diseases of the cardiovascular and nervous systems. This study analyzes the hygienic assessment of urban noise, the compliance of current standards with international requirements, and legislation on noise regulation in foreign countries.*

Key words: *Noise, noise pollution, health, noise level, hygienic assessment of noise.*

Кириш. Замонавий мегаполисларнинг аҳолиси доимий шовқинли ноқулай шароитда кун кечириб келади. Шаҳарларда шовқин даражасининг ошиши ва шовқинли ифлосланиш муаммосининг пайдо бўлиши ҳозирги вақтда янада кескинлашмоқда.

Шовқин - турли частота ва даражадаги, инсонга таъсир қилиб, асабийлашиш реакциясини келтириб чиқарадиган товушдир. Инсоннинг шовқинга бўлган муносабати унинг руҳий ҳолатига боғлиқ. Агар шовқинга инсон физиологияси нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, ҳар қандай нохуш товуш шовқиндир.

Олимларнинг кўп сонли тадқиқотларига кўра, "шовқинли ифлосланиш" катта шаҳарлар учун долзарб муаммо ҳисобланади. Шовқинли ифлосланиш - бу бир қатор сабаблар туфайли узоқ вақт давомида катта ҳудудда рухсат этилган шовқин даражасининг ошиб кетишидир. Инсон саломатлиги учун хавфли бўлган бу омил туфайли Европа Иттифоқи аҳолисининг тахминан 25 фоизи безовталик сабаб ҳаёт сифатининг ёмонлашишини бошдан кечирмоқда ва тахминан 5-15 фоизи уйқу бузилишидан азият чекади, шунингдек, ҳар йили кўплаб ногиронликка мослаштирилган умр даврининг DALY (disability-adjusted life year - умумий "касаллик юкини" баҳоловчи кўрсаткич), тахминан 10-12 йили йўқотилади [8, 9].

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) экспертларининг фикрича, шовқинли ифлосланиш миллий ва халқаро миқёсда ҳал қилиниши керак бўлган долзарб муаммо ҳисобланади [7]. Шу муносабат билан бутун дунёда шовқин зарарли таъсирининг оқибатларини олдини олиш бўйича чора-тадбирларни такомиллаштириш мақсадида тадқиқотлар давом етмоқда.

Ушбу ишнинг **мақсади** яқин ва узоқ хориж мамлакатларида шовқинни тартибга солиш масалалари бўйича адабиёт манбаларини таҳлил қилиш, шунингдек, Республикамиздаги меъёрий ҳужжатлар таҳлили ва уларнинг амалдаги стандартларга мувофиқлигини баҳолаш ҳамда гигиеник тавсиялар беришдан иборат.

Тадқиқот материаллари ва усуллари. Мазкур тадқиқот амалга оширилиши учун хорижий тажрибани таққослаш мақсадида турли мамлакатларда мавжуд бўлган турар-жой биноларига туташ ҳудудлар ва турар-жой биноларидаги рухсат этилган шовқин даражасини кечаси ва кундузги вақтни ўз ичига олган меъёрий ва тавсиявий ҳужжатлардаги маълумотлар таҳлил қилинди. Маълумотларнинг бирламчи манбаи сифатида шовқинли ифлосланиш туфайли касалланишни акс эттирувчи ЖССТ ҳамда Европа давлатларининг йиллик ҳисоботларидан (Атроф-муҳит шовқинини баҳолаш ва бошқариш бўйича 2002/49/ЕС директивасининг расмий маълумотларидан) фойдаланилди. Тадқиқотни бажариш жараёнида санитария-гигеник, ижтимоий, аналитик ва статистик усуллар қўлланилди.

Натижалар ва муҳокама. Шовқин омилини баҳолаш учун меъёрий шовқин даражалари белгиланган. Инсон организми турли даражадаги шовқинга турлича жавоб беради. Маълумки, шовқин одамга узоқ вақт таъсир қилганда, соғлиқнинг турли хил оғишлари пайдо бўлади. Масалан, 70-90 дБ шовқин даражаси асаб тизими касалликларига олиб келади, 100 дБ дан ортиқ бўлса, эшитиш қобилиятини пасайтиради ва карликка олиб келиши мумкин, 140 дБ дан ортиқ бўлса, ҳатто ўлимга олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, шовқин асаб тизимига катта юк бўлиб, психологик бузилиш ва гормонал стрессни келтириб чиқаради.

ЖССТ меъёрларига кўра, 30 дБ шовқин одамда ташвиш туғдирмайди, 40 дБ дан баландроқ (пичирлашдан баландроқ) ҳар қандай нарса уйқу бузилишига олиб келиши мумкин, 55 дБ дан юқори шовқин соғлиқ учун зарарли ҳисобланади [ЖССТ., 2014]. Шу боис, дунёда минглаб одамлар шовқин даражасининг узоқ муддатли таъсири натижасида юзага келадиган юрак касалликларидан эрта вафот этмоқда. Физиологик нуқтаи назардан шовқин уйқу пайтида ҳам инсон қонидаги стресс гормонлари миқдорини оширишга қодир. Бу гормонлар қонда қанча узоқ вақт бўлса, ҳаёт учун хавфли физиологик муаммоларга олиб келиш эҳтимоли шунча юқори бўлади.

Бундан ташқари, ушбу ташкилот уйқуни юрак-қон томир тизимининг ҳолати ва иммунитетни ҳимоя қилишдек муҳим соғлиқ кўрсаткичлари каби бир қаторда "саломатлик мезонлари" рўйхатига киритди.

Замонавий шароитларда деярли ҳар бир одам, ёки ишда, ёки магистрал яқинидаги ҳудудларда яшаётганда шовқинга дучор бўлади. Олимларнинг аниқлашича, 85 дан 90 дБ гача бўлган шовқин даражаси юқори частоталарда эшитиш сезгирлигини пасайтиради. Одамда бош оғриғи, бош айланиши, кўнгил айниши, ҳаддан ташқари асабийлашиш, уйқу бузилиши, юрак-қон томир тизими ва ошқозон-ичак тракти функцияларининг бузилиши билан ифодаланадиган ҳолсизлик пайдо бўлади.

Агар одамга юқори частотали шовқин таъсир этса, эшитиш органида қайтмас ўзгаришлар рўй беради. Статистик маълумотларга қараганда, дунёда шовқиннинг зарарли таъсиридан эшитиш қобилиятини йўқотаётган ёки карликдан азият чекаётган шаҳар аҳолиси сони ҳар йили 15-25% га ошиши кузатилмоқда [4]. Шуни таъкидлаш керакки, шовқиннинг юқори даражаси натижасида 1-2 йилдан кейин эшитиш сезгирлигининг пасайишига олиб келади, ўртача

шовқин эса анча кеч, 5-10 йилдан кейин аниқланади, яъни эшитишнинг пасайиши аста-секин содир бўлади, касаллик аста-секин ривожланади.

Тошкент шаҳар санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги (СЭО ва ЖС) бошқармаси ҳисоботларига кўра, фуқаролардан турар-жой биноларига туташ ҳудудлар ва турар-жой биноларидаги шовқин даражаси ошганлиги юзасидан ҳар йили 100 дан ортиқ шикоятлар келиб тушади [2].

Шундай қилиб, шовқин инсон организмига салбий таъсир кўрсатиб, унинг саломатлигида турли хил оғишларга сабаб бўлади. Бунинг асосий сабаби шундаки, инсон шовқин муҳитида деярли ҳимоясиз ҳолатда қолади, чунки шовқиннинг зарарли таъсири кўзга кўринмайдиган ва сезилмайдиган тарзда юз беради.

Ушбу муаммони ҳал қилиш мақсадида, Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) Инсон ҳуқуқлари Кенгашининг 2021-йилги 48-сессиясида инсоннинг хавфсиз, тоза, соғлом ва барқарор атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқи умуминсоний ҳуқуқ сифатида эътироф этилиб, резолюция қабул қилинди ва бу дунёнинг 80% дан ортиқ давлатларида қонуний мустаҳкамланди.

Шовқинга қарши курашиш учун бир қатор хорижий давлатларда, масалан, АҚШда 1972 йилги “Шовқинни назорат қилиш тўғрисида”ги Қонун, Германияда 1974 йилги “Атроф-муҳитнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун, Нидерландияда 1979 йилги “Шовқинни камайтириш тўғрисида”ги Қонун, Японияда 1986 йилдаги (1999 йил ўзгартирилган) “Шовқинни тартибга солиш тўғрисида”ги Қонун, Францияда 1992 йилги “Шовқинга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун, Буюк Британияда 1996 йилги “Шовқин тўғрисида”ги Қонун, Хитойда 1996 йилги “Атроф-муҳит шовқинидан ифлосланишнинг олдини олиш ва назорат қилиш тўғрисида”ги Қонун, Испанияда 2003 йилги “Шовқин тўғрисида”ги Қонун ва Жанубий Кореада эса 2009 йилда қабул қилинган “Шовқин ва тебранишларни назорат қилиш тўғрисида”ги махсус қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ)га аъзо давлатларда ҳусусан, Ўзбекистон Республикасида ҳам шовқинга қарши курашиш учун санитария нормативлари ишлаб чиқилган. Яқиндагина қўшни Қирғизистон Республикасида шовқинга қарши курашиш мақсадида 2024 йил 6 декабрда “Сукунат тўғрисида”ги 194-сонли Қонуни қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда аҳоли саломатлиги ва осойишталигига, уларнинг нормал дам олишига салбий таъсир кўрсатувчи зарарли шовқинларга қарши курашиш масалаларини комплекс тартибга солувчи ягона ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмаслиги мазкур соҳадаги ҳуқуқий тартибга солишнинг тизимлилигига таъсир қилмоқда.

Шу боис, Республика Адлия вазирлиги ташаббуси билан Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси ҳамда Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти мутахассислари иштирокида ишчи гуруҳ тузилиб, Ўзбекистон Республикасининг **“Аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш тўғрисида”**ги Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унга кўра Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтида шовқиннинг аҳоли саломатлигига таъсири ва шовқиндан ҳимоя қилиш соҳасида комплекс тадқиқодлар ўтказиш бўйича илмий-тадқиқод ишлари белгиланган.

Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтида 2009 йилда ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра, Тошкент шаҳридаги асосий автомагистралларнинг шовқин харитаси ишлаб чиқилди [5]. Бироқ, автомобиллар сонининг барқарор ўсиши ва шаҳар қурилишининг зичлашишини, шунингдек, Европа Иттифоқи мамлакатлари олимларининг тавсияларини ҳисобга олган ҳолда, бундай хариталарни камида 5 йиллик даврийлик билан автомагистраллардан шовқинли ифлосланишнинг гигиеник тадқиқотлари асосида ўзгартириш ва тўлдириб бориш зарур.

Хорижий тажрибани таққослаш учун турли мамлакатларда мавжуд бўлган турар-жой биноларига туташ ҳудудда ва турар-жой бинолари хоналаридаги рухсат этилган шовқин даражасини кечаси ва кундузги вақтни ўз ичига олган меъёрий ва тавсиявий ҳужжатларини таҳлилий ўргандик;

Европа ҳамда Осиё минтақасида жойлажган Янги Зеландия, Финляндия, Польша, Словакия, Болгария, Грузия, Япония, Корея ва Хитой каби давлатларнинг шунингдек, Собиқ Иттифоқ давлатлари ҳисобланган Россия, Беларус, Украина шу жумладан, Қозоқстонда ҳам турар-жой биноларига туташ ҳудудда ва аҳоли яшаш жойларида кундузи ва кечаси рухсат этилган шовқин даражалари бир ҳил эканлиги яъни, кундузи 55 дБ, кечаси эса 45 дБ, шунингдек, хонадонларнинг яшаш хоналарида рухсат этилган шовқин даражаси кундузи 40 дБ, кечаси эса 30 дБ дан ошмаслиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳасининг биринчи таҳрири бўйича эшитув бўлиб ўтди.

Кўриб чиқилаётган қонун лойиҳасида, Ўзбекистонда ушбу соҳада ишлаб чиқариш ва жамоатчилик назоратига оид норматив-ҳуқуқий база шаклланган бўлишига қарамай, аҳолини

шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш соҳасини самарали тартибга солиш механизми белгиланмаган [6].

Таҳлилларга кўра, бир қатор мамлакатларда қабул қилинган самарали маъмурий чора "сукунат вақти" деб номланувчи муайян соатларда, куннинг маълум вақтларида ёки белгиланган кунларда шовқинни тақиқлашни жорий этиш ҳисобланади. Кўплаб мамлакатларда қонун йўли билан сукунат тартиби белгиланган. Сукунат тартибининг вақти турли мамлакатларда турлича ўрнатилган (соат 20:00 дан 07:00 гача, соат 22:00 дан 8:00 гача, 22:00 дан 9:00 гача, 22:00 дан 11:00 гача). Сукунат тартибини бузганлик учун қоидабузарлардан катта миқдордаги жарималар ундирилади.

Сукунат тартиби - инсонни ўраб турган муҳитнинг шундай ҳолатики, бунда инсоннинг эшитиш тизимига ташқи таъсирлар мутлақо бўлмаслиги характерлидир.

ЖССТ тавсияларига кўра, 5 ёшгача бўлган болалар учун физиологик нормал уйқунинг минимал давомийлиги 10-12 соатни, катталар учун эса кунига камида 7-9 соатни ташкил этади [1].

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз қонунчилигида "тунги вақт" даври етарли даражада тартибга солинмаган. Яъни, Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 192-моддасига мувофиқ соат 23:00 дан 06:00 гача, Меҳнат Кодексининг 188-моддасида соат 22:00 дан 06:00 гача, Сан ҚваМ №0008-20 бўйича эса 23:00 дан 07:00 гача бўлган ҳар ҳил вақтлар оралиғи белгиланган. Кўпгина мамлакатларда ЖССТ тавсияларини ҳисобга олган ҳолда, "тунги вақт" камида 8 соатни ташкил этади.

Ўзбекистонда амалдаги меъёрий ҳужжатлар таҳлили қуйидагиларни кўрсатди:

- Сан ҚваМ №0008-20 да куннинг тунги ва кундузги вақтларида шовқин даражаси: тунги соат 23:00 дан 7:00 гача, кундузги соат 7:00 дан 23:00 гача меъёрланади [3];

- Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида (192-модда) тунги вақт соат 23:00 дан 6:00 гача, яъни 7 соат ҳисобланади. 2019 йилда Кодекснинг 192-моддасига шовқин даражаси бўйича гигиена меъёрлари талабларини бузганлик учун жарима миқдорлари бўйича ўзгартиришлар киритилганда кундузги ва тунги вақт оралиқлари ҳисобга олинмаган;

- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 188-моддасида "тунги вақт" соат 22:00 дан 06:00 гача этиб белгиланган;

- аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш тўғрисидаги янги таҳрирдаги қонун лойиҳасининг 12 ва 14-моддаларида қуйидагилар белгиланган: иш кунлари соат 23.00 дан 06.00 гача, 7 соатлик режим белгиланган бўлиб, бу ЖССТ томонидан тавсия этилган ўртача талабларга жавоб бермайади. Дам олиш кунлари ва қонунда белгиланган ишланмайдиган байрам кунлари соат 22.00 дан 09.00 гача фуқароларнинг тинчлиги ва нормал дам олишини ушбу қонунда белгиланган тартибда бузишга йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Дам олиш ва уйқу режимини бузувчиларга нисбатан қўлланиладиган барча маъмурий жазо чоралари (жарималар) ана шу даврга, вақт оралиғига боғланган.

Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти мутахассислари томонидан қонун лойиҳасининг ушбу моддаларига ўзгартиришлар киритиш бўйича қўйидагича таклифлар киритилди:

- фуқароларнинг осойишталигини ва нормал дам олишини бузишга йўл қўйилмайдиган вақт оралиғини соат 23:00 дан 07:00 гача ўзайтириш;

- турар-жой бинолари ва уларга туташ ҳудудларда қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари ўтказилаётганда соат 09:00 дан 18:00 гача бўлган вақт оралиғида, шовқинниг йўл қўйиладиган даражасидан ошадиган шовқин ҳосил қиладиган манбалардан фойдаланилиши мумкин, бундан ҳафтанинг шанба, якшанба кунлари ва қонунчилик билан белгиланган ишланмайдиган байрам кунлари мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 192-моддасига кўра, тунги вақтда (соат 23-00 дан 6-00 гача) фуқароларнинг осойишталиги ва нормал дам олишини бузганлик учун:

- квартираларда, уйларнинг кириш йўлакларида ва ҳовлиларида, кўчаларда баланд овозда қўшиқ айтиш, мусиқа асбобларида чалиш, товушли сигналлар бериш, телевизорлар, радиоприёмниклар, магнитофонлар ва товуш чиқарувчи бошқа аппаратуралардан фойдаланиш;

- турар жойларда ва улардан ташқарида шовқин билан боғлиқ бўлган, кечиктириб бўлмайдиган зарурат билан боғлиқ бўлмаган ишларни амалга ошириш;

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг учдан бир қисми, мансабдор шахсларга эса - учдан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, - фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисми, мансабдор шахсларга эса - иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Кўпгина ривожланган мамлакатларда эса сукунатни такроран бузганлик учун жарима кучайтирилган:

- Германияда бир йил ичида иккинчи марта қоидабузарлик учун - 500 евродан 5000 ев-

рогача, учинчи ва ундан кейинги қоидабузарликлар учун эса - 1000 евродан 10000 еврогача жарима;

- Францияда жарималар камроқ: 12 ой ичида иккинчи қоидабузарлик учун - 68 дан 150 еврогача жарима, 12 ой ичида учинчи ва ундан кейинги қоидабузарликлар учун - 150 дан 450 еврогача жарима. Бироқ, сукунат жиддий ёки мунтазам равишда бузилган тақдирда, суд шовқин чиқариш учун ишлатилган ускуналарни мусодара қилиши, қоидабузарлик содир этилган жойда яшашга вақтинча тақиқ қўйиши, шунингдек, жамоат ишларини тайинлаши мумкин;

- Россияда бир йил давомида такрорий қоидабузарлик учун - 1000 дан 3000 рублгача жарима, йил давомида учинчи ва ундан кейинги қоидабузарликлар учун - 3000 дан 5000 рублгача жарима. Жиддий ёки мунтазам равишда сукунат бузилган тақдирда эса суд 15 суткагача маъмурий қамоқ, 50 соатгача мажбурий меҳнат, шунингдек, шовқин чиқариш учун ишлатилган ускуналарни мусодара қилиши мумкин.

Қурилиш шовқини учун Германия, Дания, Испания, Япония ва бошқа мамлакатларда алоҳида жарималар кўзда тутилган. Шундай қилиб, Германияда қурилиш шовқини учун жарималар юридик шахсларга биринчи ҳуқуқбузарлик учун 50 000 еврогача, бир йил давомида такрорланган учун 50 000 дан 100 000 еврогача, шунингдек, мунтазам қурилиш шовқини учун 100 000 дан 500 000 еврогача. Суд қурилиш ишларини олиб боришни вақтинча тақиқлаш ва шовқин чиқариш учун ишлатилган ускуналарни мусодара қилиш каби қўшимча санкциялар белгилаши мумкин.

Шундай қилиб, “Аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг алоҳида моддаларини ишлаб чиқишда ЎзР Сан ҚваМ №0008-20 талаблари, ушбу соҳадаги халқаро тажриба, шу жумладан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг Парламентлараро Ассамблеясида маъқулланган ва қабул қилинган МДҲ мамлакатларининг “Аҳолини ва атроф-муҳитни шовқин, инфратовуш, ультратовуш ва тебраниш ҳосил қилувчи турли манбаларнинг таъсиридан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги моделли қонуни тавсиялари ҳисобга олинмаган (МДҲ ПАнинг 29.11.2013 йилдаги 39-5-сон қарорига 4-илова).

Бундан ташқари, қонунчиликда инсон саломатлиги учун зарар келтирувчи ва рухсат этилган даражадан юқори бўлган шовқинларни келтириб чиқараётган объектларни жавобгарликка тортиш масалалари тўлиқ ва аниқ белгиланмаган. Натижада эса шовқинли ифлосланишни тартибга солиш қийинлашмоқда ҳамда аҳоли орасида мазкур ҳолатлар юзасидан шикоятлар сони ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси ВМ-нинг 2021 йил 12 апрелдаги 202-сон Қарори 1-иловасида белгиланган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловларини қўллаш тартиби тўғрисида”ги Низомга “шовқинли ифлосланиш” тушунчасини жорий этиш ва уни ушбу Низомнинг зарур бўлимларига, жумладан, 4-бобга (компенсация тўловларини ҳисоблаш тартиби) киритиш орқали ҳам юқоридаги Сан ҚваМ №0008-20 талаблари бўйича рухсат этилган шовқин даражасини меъёрда сақланишини таъминлаш мумкин.

Шовқин манбаи бўлган хўжалик юритувчи субъектларга шовқин даражасини мақбул қийматларга камайтиришга қаратилган шовқиннинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан мажбурий кўрсатма билан шовқин зарарли таъсирини баҳолашнинг миқдорий ёки сифат мезонлари асосида жарима солиш тизимини ишлаб чиқиш тавсия этилади.

Хулосалар. Шовқин аҳоли саломатлигига таъсир этувчи омил сифатида Ўзбекистон қонунчилиги билан тартибга солиниши, унинг салбий таъсирини камайтириш учун мулкчилик шаклидан қатъий назар барча хўжалик юритувчи субъектлар томонидан санитария меъёрлари ва талабларига риоя қилиниши зарур.

Хорижий давлатлар тажрибасидан, шунингдек, ЖССТ тавсияларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига фуқароларнинг осойишталиги ва нормал дам олишини, яъни “сукунат тартиби” соат 20:00 дан кейин шовқинли асбоблардан фойдаланиш, шовқин даражаси юқори бўлган таъмирлаш ишларини олиб боришни тақиқлаш (фавқулодда вазиятлар бундан мустасно) ҳамда “тунги вақт”нинг даври соат 23:00 дан 07:00 гача, яъни 8 соатни бузиш тақиқланган вақт даври тушунчасини киритиш зарур.

Шунингдек, шовқин муаммосини ҳал этишнинг самарали йўлларидан бири технологияни такомиллаштириш орқали унинг даражасини манбанинг ўзида пасайтиришдир - шовқинли ускуналарни камроқ шовқин чиқарадиган ускуналарга алмаштириш (машиналар тузилишини ўзгартириш) ҳамда шовқин таъсирини камайтиришга қаратилган муҳандислик-техник, ташкилий-маъмурий, даволаш-профилактика ва бошқа тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида атроф-муҳит осойишталиги ва соғлиқни муҳофаза қилиш ҳуқуқи кафолатланган. Шу боис, шовқинсиз даврлар тўғрисидаги норманинг жорий этилиши мазкур конституциявий кафолатларнинг амалга оширилишига, фуқароларнинг дам олиш ва осойишталик ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилади.

Муаллифлар манфаатлар тўқнашувининг йўқлигини билдирадилар. Мақола ташаббусли бўлиб, ҳеч ким томонидан ҳомийлик қилинмаган. Тадқиқотнинг барча иштирокчилари ўз хабардорлик розилигини берган. Ташпулатова Гузаль Алиевна – текширди., Халмуратов Бахрам Зиуатдинович – адабиётлар йиғди ва ёзди., Ли Татьяна Борисовна – таҳлил қилди.

АДАБИЁТЛАР

1. Шестая министерская конференция по окружающей среде и охране здоровья 13–15 июня 2017 г., Острава, Чешская Республика, https://iris.who.int/bitstream/handle/10665/326486/9789289041737-eng.pdf?sequence=1&isAllowed=y.

2. Халмуратов Б.З., Ташпулатова Г.А. Турар-жой бинолари ва турар-жой ҳудудларида жойлашган умумий овқатланиш муассасаларининг ҳаво олиб кирувчи ва олиб чиқувчи қурилмаларининг шовқин даражасини гигиеник баҳолаш // Ўзбекистон врачлар ассоциациясининг бюллетени илмий-амалий тиббиёт журнали. Ташкент, 2024. - №1. – С. 52-55.

3. Турар жойларда, жамоат биноларида, аҳоли яшаш ҳудудларида ва дам олиш зоналарида рухсат этилган шовқин даражасининг санитария қоидалари ва меъёрлари. СанҚваМ № 0008-20.

4. Спиридонова Ю.А., Макаров Б.А. Шум и его влияние на человека // Национальные приоритеты России. – 2013; - №2 (9). – С. 68-69.

5. Магай М.П., Ташпулатова Г.А. “Санитарно-гигиеническая характеристика акустического режима основних транспортных магистралей г. Ташкента” // Актуалные проблемы гигиены в Узбекистане: статья; Сб. науч. тр. - Ташкент, 2007. – С. 146-150.

6. Ли Т.Б., Ташпулатова Г.А. Шум и электромагнитное излучение: как они влияют на здоровье человека // Правда востока. – 2025; - №23 (30597). – С. 1-3.

7. Rainer G, Dirk S, Rudolf S. WHO Environmental Noise Guidelines for the European Region: A Systematic Review on Environmental Noise and Annoyance // *Int. J. Environ. Res. Public Health* 2017, *14*(12), 1539; https://doi.org/10.3390/ijerph14121539.

8. Mucci N, Traversini V, Lorini C, et al. Urban Noise and Psychological Distress: A Systematic Review // Int J Environ Res Public Health. - 2020; - vol.17. - №18. – 6621 p. doi:10.3390/ijerph17186621.

9. https://www.laerminfo.at/dam/jcr:6066f598-ed39-4d76-b215-d56fa5257e6b/country_fiches_study_evaluation_directive_environmental_noise.pdf.